

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ДАУЛЕТМУРАТОВ МУХАМЕДАЛИ МИРЗАМУРАТОВИЧ

**ГАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА ТУПРОҚЛАРНИ
АГРОКИМЁВИЙ ТЕКШИРИШ ВА АХБОРОТ–ТАҲЛИЛИЙ
ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ (ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ТАХТАКЎПИР ТУМАНИ СУҒОРИЛАДИГАН
ТУПРОҚЛАРИ МИСОЛИДА)**

06.01.04 – «Агрокимё»

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agriculture sciences**

Даулетмуратов Мухамедали Мирзамуратович

ГАТ технологияларини қўллаган ҳолда тупроқларни агрохимёвий текшириш ва ахборот–таҳлилий тизимини ишлаб чиқиш (Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир тумани суғориладиган тупроқлари мисолида).....3

Даулетмуратов Мухамедали Мирзамуратович

Агрохимическое обследование почв и разработка информационно-аналитической системы с использованием ГИС технологий (на примере орошаемых почв Тактакупырского тумана Республики Каракалпакстан).....21

Dauletmuratov Mukhamedali Mirzamuratovich

Agrochemical soil survey and development of an information and analytical system using GIS technologies (on the example of irrigated soils of Takhtakupir district of the Republic of Karakalpakstan).....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИLMИЙ–ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ДАУЛЕТМУРАТОВ МУХАМЕДАЛИ МИРЗАМУРАТОВИЧ

**ГАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА ТУПРОҚЛАРНИ
АГРОКИМЁВИЙ ТЕКШИРИШ ВА АХБОРОТ–ТАҲЛИЛИЙ
ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ (ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ТАХТАКЎПИР ТУМАНИ СУҒОРИЛАДИГАН
ТУПРОҚЛАРИ МИСОЛИДА)**

06.01.04 – «Агрокимё»

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Qx405 рақами билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ўзбекистон миллий университетида ва Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гафурова Лазизахон Акрамовна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Санакулов Акмал Лапасович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент
Самарқанд давлат университети

Баходиров Зафар Абдувалиевич
биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим
Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация химояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «11» 11 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz).

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (57 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-15-38.

Диссертация автореферати 2021 йил «25» 10 куни таркатилди.
(2021 йил «25» 10 № 4 – рақамли баённомаси)



Ш.М.Бобомуродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., катта илмий ходим

Ж.М.Кўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.х.ф.ф.д., катта илмий ходим

Н.Ю.Абдурахмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
катта илмий ходим

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда Халқаро ўғитлар ассоциацияси (IFA) ҳисоб-китобларига кўра, «дунё бўйича минерал ўғитлар истеъмоли ҳар йили паст суръатларда ўсиб боради ва 2023–2024 йилларда жами истеъмол миқдори 203,5 миллион тоннани ташкил этиб, унинг деярли 80 фоизи Лотин Америкаси, Жанубий Осиё, Африка ва Шарқий Европа давлатлари ҳиссасига тўғри келади»¹. Шу боис, агрокимёвий харитограммалардан фойдаланиб минерал ўғитларнинг илмий асосланган мақбул меъёри ва муддатларини белгилаш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан юқори ҳамда сифатли ҳосил олиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Дунёда замонавий геоахборот технологияларини қўллаш орқали қишлоқ хўжалиги ерларининг мавсумий янгилашиб бориладиган аниқ ҳисобини юритиш, тупроқларнинг агрокимёвий ҳолатини аниқлаш, унумдорлигини ошириш, ҳар бир дала контурлари кесимида агрокимёвий маълумотлар базасини шакллантириш орқали агрокимёвий ахборот-таҳлилий тизимлари ишлаб чиқилмоқда. Бу борада, тупроқларнинг озиқа элементлари билан таъминланганлик даражаси ва экинларнинг минерал ўғитларга бўлган талаби асосида ўғитлаш, тупроқларнинг унумдорлигини яхшилаш ҳамда экинлардан юқори ҳосил олишга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда республикамизнинг Оролбўйи ҳудудларида табиий шароитлар кескин ўзгариши сабабли юзага келган салбий оқибатларга қарши тадбирлар, жумладан: ҳудуд суғориладиган тупроқларининг агрокимёвий ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришда янги агротехнологияларни жорий этиш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда ва амалиётга тадбиқ этилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экин майдонларини мақбуллаштириш, соҳада интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, замонавий минерал ва органик ўғитлардан фойдаланиш тизимини ташкил этиш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шу сабабали, замонавий ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда республикамиздаги суғориладиган тупроқларнинг рақамли агрокимёвий харитограммаларини тузиш, тупроқлар таркибидаги озиқа моддалар миқдорининг даврий ўзгаришини, ҳосил ва турли экинлар билан чиқиб кетилишини мониторинг қилиш, шунингдек, минерал ўғитларни тупроқнинг агрокимёвий ҳолатига, қишлоқ хўжалиги экинларининг турига қараб мақбул меъёр ва муддатларини ишлаб чиққан ҳолда табақалаб

¹<https://review.uz>.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

қўллаш ва қишлоқ хўжалигида рақамлашган агрокимё хизматни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон-2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 24 октябрдаги ПҚ-2640-сон «Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 июндаги 510-сон «Қишлоқ хўжалигида тупроқнинг агрокимёвий таҳлил тизимини такомиллаштириш, экин ерларида тупроқнинг унумдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Геоахборот технологияларини қўллаган ҳолда тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари бўйича ўзгаришларини кузатиш ва бу ўзгаришларни ҳосилнинг миқдори ҳамда сифатига таъсирини аниқлаш бўйича хорижлик олимлардан R.Blekuell, E.Mate, A.Steven, L.Patrick, F.Rojers, D.Anxe, Huangлар тадқиқот ишларини олиб боришган. МДХ ва республикамизнинг айрим ҳудудларида тупроқлар унумдорлигини тартибга солишда геоахборот технологияларини фойдаланиш, ўсимликлар ҳамда тупроқлар таркибидаги озика элементларнинг миқдорий тарқалишини ўрганиш орқали ўғитларни мақбул меъёр ва муддатларини белгилаш бўйича Т.П.Пирохунов, М.А.Белоусов, Д.С.Саттаров, И.Т.Турапов, Л.Т.Турсунов, Б.С.Мамбетназаров, Х.Т.Рисқиева, Р.Қ.Кузиев, М.М.Ташкузиев, Ф.Ҳ.Хошимов, Л.А.Гафурова, Н.М.Ибрагимов, Р.К.Қурвонтоев, Б.И.Ниёзалиев, Х.Н.Каримов, А.Л.Санакулов, Б.Қ.Атоев, М.Э.Саидова, А.Ж.Боиров, А.У.Ахмедов, А.А.Каримбердиева, И.Ирназаров, Қ.А.Қўрбанбоев, Б.Б.Жоллибеков, Д.А.Мамбеткаримов, В.Е.Сектименко, А.М.Разаков, С.С.Сиддиқов, Г.Т.Джалилова Д.А.Кодирова, Л.А.Мирзаев, К.А.Қосназаров, Ж.М.Қўзиев, З.А.Баходиров, Ж.И.Исмаилов, Ж.У.Хайтбоева, В.И.Попов, Н.Г.Мязин, В.В.Лапа, В.В.Кидин, Н.Б.Корягина, Г.А.Демиденко, А.Ю.Бибаева, А.А.Макарова, Н.Г.Харин, О.Л.Серебрянная, Б.Н.Насиев, М.А.Габдулов, Г.Г.Вендило, Ф.А.Скрябинлар томонидан кенг қамровли илмий-изланишлар олиб борилган. Лекин, Тахтақўпир тумани суғориладиган тупроқларининг агрокимёвий хоссалари ўзгаришини замонавий геоахборот технологиялари ёрдамида аниқлаш бўйича тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқот иши Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Атех-2018-387 рақамли «Қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланиш, сақлаш, такрор тиклаш ва ўғитларни дифференциал қўллаш мақсадида замонавий технологияларни қўллаган ҳолда тупроқ унумдорлигини мониторинг қилиш ва агрокимёвий текшириш ахборот-таҳлилий тизимини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий ГАТ технологияларини қўллаган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир тумани суғориладиган ўтлоқи-алювиал тупроқларининг рақамли агрокимёвий харитограммаларини яратиш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари учун мақбул ўғит меъёри ва муддатларини белгилаш ҳамда тупроқ агрокимёвий текширув ахборот-таҳлилий тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

худуд тупроқларининг агрокимёвий хусусиятларини ва унга таъсир қилувчи унумдорлик элементларини таҳлил қилиш ҳамда уларга статистик усулларда ишлов бериш;

ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда тупроқ ҳайдов қатламидаги гумус ва озика моддаларнинг миқдорий тарқалиш даражасини тавсифловчи рақамли агрокимёвий харитограммалар яратиш;

Geostatistical Analyst усули ёрдамида маълумотлар интерполацияси ва Empirical Bayesian kriging усулидан фойдаланиб тупроқ агрокимёвий хусусиятларининг тақсимотини вариограмма қилиш;

яратилган рақамли агрокимёвий харитограммаларга асосланиб, «Мақпалқўл» массиви ва фермер хўжаликларининг экин ер майдонларида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг асосий турлари учун илмий асосланган ўғит меъёр ва муддатларини ишлаб чиқиш;

таянч массивда амалда қўлланиладиган ўғитлар меъёрига нисбатан рақамли агрокимёвий харитограммаларга асосланиб, ҳисоблаб топилган ўғитлар меъёрининг фарқини ва самарадорлигини ҳисоблаш;

тадқиқот ҳудуди учун тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари бўйича маълумотлар базасини ўзида жамлаган агрокимёвий текширув ахборот-таҳлилий тизими ва структурасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир тумани «Мақпалқўл» массивида тарқалган суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети тупроқ унумдорлик кўрсаткичлари, агрокимёвий хоссалари, ArcGIS 10.6.1 дастурий таъминоти, рақамли агрокимёвий харитограммалар, қишлоқ хўжалиги асосий экин турлари, ўғит меъёри ва муддатлари ҳамда C # дастурлаш тили NET Framework ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тупроқнинг агрокимёвий таҳлиллари тупроқшуносликда умумқабул қилинган Е.В.Аринушкинанинги «Тупроқнинг кимёвий таҳлиллари бўйича қўлланмаси» қўлланмаси асосида бажарилди. Тадқиқотлар натижаларига Е.А.Дмитриев ва В.И.Савич қўлланмалари асосида математик статистик ишлов берилди ҳамда ArcGIS 10.6.1 дастурининг

Geostatistical Analyst, Empirical Bayesian kriging методлари асосида вариограмма қилинди. Тупроқ агрокимёвий текширув ахборот-таҳлилий тизимни ишлаб чиқишда C# дастурлаш тили NET Frameworkдан фойдаланилди. Рақамли агрокимёвий харитограммаларни яратишда ArcGIS 10.6.1 дастурий таъминоти билан биргаликда собиқ Давергеодезкадастр қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Суғориладиган ерларда тупроқ агрокимёвий тадқиқот ишларини бажариш ва агрокимёвий картограммалар тузиш ҳамда минерал ўғитларга бўлган илмий талабни ишлаб чиқиш бўйича услубий кўрсатмалар» қўлланмаси ёрдамида амалга оширилди. Минерал ўғитларни қўллаш меъёри ва муддатларини белгилаш ишлари собиқ Ўзбекистон давлат агросаноат қўмитасининг «Рекомендации по дифференцированному применению минеральных и органических удобрений под урожай сельскохозяйственных культур на орошаемых землях Узбекистана» қўлланмаси ёрдамида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Тахтақўпир тумани «Мақпалқўл» массиви учун тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари тўғрисидаги электрон маълумотлар базасини ўзида жамлаган «Тупроқ агрокимёвий текширув ахборот-таҳлилий тизими» дастурий таъминоти яратилган;

яратилган «Тупроқ агрокимёвий текширув ахборот-таҳлилий тизими» дастурий таъминоти орқали маълумотларни сақлаш, тезкор янгилаш, қидириш ва тақдим этиш жараёнларини амалга ошириш имкониятлари юқори эканлиги асосланган;

минерал ўғит меъёри ва муддатларининг илмий асосларини ишлаб чиқишда рақамли агрокимёвий харитограммалар маълумотларидан фойдаланиб, ҳаракатчан фосфор учун $P_{1,1088}$, алмашинувчан калий учун $K_{1,0383}$ тузатиш коэффицентлари ишлаб чиқилган;

«Тупроқ агрокимёвий текширув ахборот-таҳлилий тизими» дастурий таъминоти орқали тупроқларнинг агрокимёвий ҳолати бўйича мониторинг юритиш ва уни башорат қилиш имконияти мавжудлиги асосланган;

ArcGIS дастурий таъминотининг Geostatistical Analyst нинг Empirical Bayesian kriging усулидан фойдаланиб тупроқ агрокимёвий хусусиятларининг тақсимоти вариограмма қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ГАТ технологиялари ёрдамида амалдаги услубий қўлланмаларга асосланиб, таянч массив ва фермер хўжаликларнинг суғориладиган тупроқлари ҳайдов қатлами таркибидаги гумус ва озиқа элементлар миқдорини тавсифловчи рақамли агрокимёвий харитограммалар тузилган;

яратилган рақамли агрокимёвий харитограммалар асосида таянч массив ва фермер хўжалигининг экин ер майдонларида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг асосий турлари учун илмий асосланган мақбул ўғит меъёр ва муддатлари ишлаб чиқилган;

таянч массивдаги амалда қўлланиладиган ўғит меъёрига нисбий равишда, яратилган рақамли агрокимёвий харитограммалар асосида ишлаб чиқилган ўғитлар меъёрининг фарқи ва самарадорлиги ҳисоблаб чиқилган;

рақамлаштирилган агрокимё хизматни ташкил этишда геоахборот технологияларидан фойдаланиш орқали мутахассис сарфлайдиган вақт ва қўл меҳнатининг тежалишига эришилиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўйилган вазифалар комплекс ёндашув асосида ечилганлиги, назарий ва амалий натижаларни бир - бирига мослиги, тадқиқотлар агрокимё соҳасининг замонавий ривожланиш тенденцияларига мос равишда бажарилганлиги, олинган маълумотларни математик ва геостатистик услублар асосида дунё стандартларига жавоб берадиган геоахборот технологияларининг замонавий дастуридан фойдаланилганлиги, олинган натижа ҳамда хулосаларни илмий асосланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва республика илмий журналларида чоп этилганлиги, натижаларни амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маълумотларни сақлаш, тезкор янгилаш, қидириш ва тақдим этиш жараёнларини амалга оширишда юқори имкониятларга эга бўлган, худуд суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларининг агрокимёвий ҳолати бўйича электрон маълумотлар базасини ўзида жамлаган, «Тупроқ агрокимёвий текширув ахборот-таҳлилий тизими» дастурий таъминоти яратилганлиги, рақамли агрокимёвий харитограммаларни яратишда анъанавий услубларга қараганда ГАТ технологияларининг юқори ва самарали имкониятлари илмий асослаб берилганлиги ҳамда тупроқ агрокимёвий хусусиятларининг тақсмоти ва математик тузилиши вариограмма қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти яратилган «Тупроқ агрокимёвий текширув ахборот-таҳлилий тизими» дастурий таъминоти, рақамли агрокимёвий харитограммалар қишлоқ хўжалиги ерларининг агрокимёвий ҳолатини аниқлашда мутахассисларнинг сарфлайдиган вақт ва қўл меҳнатини камайтиради, шунингдек, ишлаб чиқилган минерал ўғит меъёр ва муддатлари таянч массивида амалда қўлланилиб келинаётган меъёрларга солиштирганда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқорироқ ҳамда сифатли ҳосил олишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир туманида ГАТ технологияларини қўллаган ҳолда тупроқларни агрокимёвий текшириш ва ахборот-таҳлилий тизимини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларини тавсифловчи Тахтақўпир тумани «Мақпалқўл» массиви 6261,5 гектар тупроқлари учун ГАТ технологиялари асосида 1:25000 миқёсда тузилган агрокимёвий харитограммалар Тахтақўпир тумани қишлоқ хўжалиги бўлимида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги №01/026-1367-сон маълумотномаси). Натижада, массив майдонларида даланинг агрокимёвий паспортлари ва қайдномаларини тузиш, шунингдек, тупроқларнинг гумус ва

озиқа элементлари учун баланс ҳисоб-китобларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги ерларини агрокимёвий ҳолатини баҳолаш ва башорат қилиш имконини берган;

ГАТ технологиялари асосида Тахтақўпир тумани «Анвар -Тахта» (91 га) ва «Сабир-Тахта» (73,3 га) фермер хўжаликлари суғориладиган тупроқларининг гумус ва озиқа элементлари билан таъминланганлик даражаларини акс эттирувчи 1:5000 миқёсда тузилган рақамли агрокимёвий харитограммалари Тахтақўпир тумани қишлоқ хўжалиги бўлимида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги №01/026-1367-сон маълумотномаси). Натижада, фермер хўжаликлари майдонларининг тупроқ-иқлим шароити, экин тури, тупроқларнинг озиқа элементлари билан таъминланганлик даражаси бўйича минерал ва маҳаллий ўғитларни табақалаб қўллашга эришилган;

рақамли агрокимёвий харитограммалар асосида режалаштирилган ҳосил миқдорига боғлиқ ҳолда, озиқа элементлар учун коэффициентлар ишлаб чиқилган ва «Мақпалкўл» массивида тарқалган суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида қишлоқ хўжалиги асосий экин турларини озиқлантиришнинг мақбул меъёр ва муддатлари Тахтақўпир тумани қишлоқ хўжалиги бўлимида амалиётга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги №01/026-1367-сон маълумотномаси). Натижада, массивда 761 гектар ғўза парваришланадиган майдони учун азотли минерал ўғитлар 133,6 тонна, фосфорли минерал ўғитлар 66,1 тонна ва калийли минерал ўғитлар 43,9 тонна кераклиги аниқланган. Шунингдек, 1055,2 гектар ғалла экиладиган майдонга азотли минерал ўғитлар 148,4 тонна, фосфорли минерал ўғитлар 73,0 тонна ва калийли минерал ўғитлар 29,2 тонна кераклиги аниқланган ва бу эса массив майдонларида фойдаланиладиган ўғитлардан илмий асосланган ҳолда самарали фойдаланиш имконини берган;

рақамли агрокимёвий харитограммалардаги кўрсаткичлардан тўғридан-тўғри фойдаланиш орқали «Анвар -Тахта» фермер хўжалиги шароитида етиштириладиган асосий қишлоқ хўжалик экинлари учун ўғит меъёри ва муддатлари ҳисоблаб чиқилиб Тахтақўпир тумани қишлоқ хўжалиги бўлимида амалиётга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги №01/026-1367-сон маълумотномаси). Натижада, фермер хўжалик майдонлари суғориладиган тупроқларнинг барқарор унумдорлигини таъминлашга, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосил ва сифатини яхшилашга йўналтирилган агрокимёвий тадбирларни белгилаш имконини берган;

тадқиқот ҳудуди учун «Тупроқ агрокимёвий текширув ахборот-таҳлилий тизими» яратилган ва Тахтақўпир тумани қишлоқ хўжалиги бўлимида амалиётга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги №01/026-1367-сон маълумотномаси). Натижада, ҳудуд тупроқларининг агрокимёвий ҳолати бўйича бир йиллик электрон маълумотлар базаси шаклланиб, ҳудудда

агрокимёвий мониторинг ҳамда рақамлашган агрокимёвий хизмат кўрсатишни ташкил этишда ушбу тизим бошланғич қадам бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 8 та, жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шундан 1 та дастурий таъминот муаллифлик гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, жумладан, 2 та хорижий ва 6 та республика журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тупроқларни агрокимёвий текшириш ва ахборот-таҳлилий тизимларини ишлаб чиқишда геоахборот технологияларининг роли**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган Ўзбекистон ва хориж олимларининг ишларини таҳлил қилиш билан биргаликда маҳаллий адабиётлар таҳлиллари ёритилган. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида агрокимё хизматини кўрсатишни ташкил этиш мақсадида тупроқларнинг агрокимёвий ҳолатига таъсир қилувчи унумдорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш жараёнини енгиллаштиришда ГАТ технологияларини қўллаш истиқболли ёндашув эканлиги ва бу эса тупроқ агрокимёвий хоссаларининг ўзгаришларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда баҳолашда катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида хулосалар қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объектининг табиий-иқлим шароитлари ва қўлланилган услублар**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектининг географик жойлашиш ўрни, иқлим хусусиятлари, геологик тузилиши, геоморфологияси, гидрогеологик шароитлари, худуд грунт сувлари ва ҳаво ҳароратининг кўп йиллик ўзгариш динамикаси, Тахтакўпир тумани суғориладиган ерларининг шўрланиш даражасининг ўзгариши, тадқиқот худуди тупроқ қопламани ўрганиш бўйича олиб борилган

топографик-геодезик тадқиқотлар ҳамда қўлланилган услублар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Худуд тупроқларининг агрокимёвий хусусиятлари ва унга таъсир қилувчи унумдорлик элементларини таҳлил қилиш**» деб номланган учинчи бобида ўрганилган худуд тупроқларининг морфогенетик, механик хусусиятлари, мелиоратив ҳолати ва агрокимёвий хоссалари ҳамда уларнинг статистик таҳлиллари ҳақидаги тадқиқот натижалари келтирилган.

Тадқиқот объекти ҳисобланган Тахтақўпир тумани «Мақпалқўл» массивида суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар тарқалган бўлиб, тупроқ қопламанинг морфогенетик кўрсаткичлари бевосита худуднинг рельеф хусусиятлари, тупроқ ҳосил қилувчи жинслари, ўсимлик қоплами, иқлим шароитлари, ер ости сувлари сатҳининг жойлашиши, шўрланиш жараёни билан боғлиқ ҳолда шаклланади.

Механик таркибига кўра, массив тупроқларида оғир ва ўрта кумоқли механик таркиб устунлик қилади, бироқ тупроқ профили бўйлаб енгил кумоқли ва кумоқли қатламлар ҳам учрайди. Тупроқларнинг механик таркибида асосан, йирик чанг заррачалари устунлик қилади, шунингдек, майда кум заррачалари ҳам сезиларли даражада мавжуд эканлиги кузатилади.

Худуд тупроқлари хлорид-сулфатли ва сульфатли шўрланиш типига мансуб. Кесмалар бўйича худуд тупроқларида профил бўйлаб гумус 0,12 – 1,19% оралиғида ўзгариб туради. Умумий азот миқдори 0,016 – 0,097%, ялли фосфор 0,033 – 0,199% ва умумий калий 0,70 – 2,10 фоизни ташкил этади.

Элементар майдончаларнинг ҳайдов қатламларидан олинган аралаш тупроқ намуналарида гумус 0,383–1,302 %, ҳаракатчан фосфор 9,7 – 40,1 мг/кг, алмашинувчан калий 8 – 291 мг/кгни ташкил этди.

Элементар майдончалардан олинган аралаш тупроқ намуналарнинг лаборатория таҳлиллари натижаларининг аниқлик ва ишончлилиқ даражасини билиш учун математик статистик таҳлил қилинди. Бунда X – ўртача арифметик катталиқ, m – ўртача арифметик хатолик, σ – ўртача квадратик чекланиш, P –ўртача арифметикликни аниқлик кўрсаткичи, V –вариацияланиш коэффициенти, t – ўртача олинган ишончлилиқ даражаси ва n – кузатувлар сони каби математик ифодалар орқали статистик таҳлиллар бажарилди.

Диссертациянинг «**ГАТ асосида худуд тупроқларининг рақамли агрокимёвий харитограммаларини яратиш, харитограмма маълумотларидан фойдаланиб, асосий қишлоқ хўжалиги экинлари учун мақбул ўғит меъёр ва муддатларини белгилаш ҳамда тупроқ агрокимёвий текширув ахборот – таҳлилий тизимини ишлаб чиқиш**» деб номланган тўртинчи бобида ГАТ технологияларидан фойдаланиб, элементар майдончалардан олинган натижалар асосида таянч массиви ва фермер хўжалиқларининг рақамли агрокимёвий харитограммаларини яратиш ва Empirical Bayesian kriging усулидан фойдаланиб тупроқ агрокимёвий хусусиятларини тақсимотини вариограмма қилиш, харитограмма маълумотларидан келиб чиқиб қишлоқ хўжалиги экинларини асосий турлари учун мақбул ўғит меъёр ва муддатларини ишлаб чиқиш, уларнинг амалда

қўлланилаётган ўғит меъёрига нисбатан самарадорлигини ҳисоблаш ҳамда «Тупроқ агрохимёвий текширув ахборот-таҳлилий тизими» дастурий таъминоти бўйича маълумотлар келтирилган.


Тадқиқотлар давомида ArcGIS 10.6.1 дастурига тегишли Geostatistical Analyst нинг Empirical Bayesian kriging усулидан фойдаланиб тупроқ агрохимёвий хусусиятларининг тақсимоти вариограмма қилинди(1-расм).

Empirical Bayesian kriging усулидан етарли даражада фойдаланиш ва сезиларли даражада ишончилиги билан математик моделларни олишда таянч массивдаги элементар майдончалардан олинган аралаш тупроқ намуналари нукталари муҳим аҳамиятга эга.

Гумус бўйича вариограмма маълумотларидан кўриниб турибдики, 3200 метргача бўлган масофада кучли корреляция кузатилади, кейин эмпирик маълумотлар (кўк рангли + белгиси) математик моделдан (кўк рангли чизик) ажралиб чиқа бошлайди. Фосфорда эса деярли 5800 метргача корреляция кузатилди, кейин эмпирик маълумотлар математик модел бўйлаб унча катта бўлмаган тўлқин пайдо қилади. Калийда кичик масофали (320 метргача ва 600 – 850 метр оралиғида) корреляция мавжуд 400 – 600 метр оралиғида ва 850 метрдан кейин эса, эмпирик маълумотлар (кўк рангли + белгиси) математик моделдан ажралиб чиқа бошлаши кузатилди.


ArsGIS.10.6.1 дастурий таъминоти ёрдамида «Мақпалқўл» массиви ва «Сабир – Тахта» ҳамда «Анвар – Тахта» фермер хўжаликлари суғориладиган тупроқларининг ҳайдов қатламидаги гумус ва озиқа моддаларнинг миқдорий тарқалишини тавсифловчи 1:5000 миқёсли рақамли агрохимёвий харитограммалари тузилди. «Мақпалқўл» массивининг рақамли агрохимёвий харитограммалари амалдаги усулбўй қўлланмалар асосида яратилган бўлсада, майдон бир қанча катталигини, массивда илк бор агрохимёвий тадқиқотлар олиб борилаётганлиги ҳамда илмий ишнинг мураккаблик даражаларини ҳисобга олган ҳолда 1:25000 миқёсда амалиётга жорий этилди.

Рақамли агрохимёвий харитограмма маълумотларига кўра, массивнинг




1-расм. Мақпалқўл массиви тупроқлари агрохимёвий хусусиятларининг тақсимотини вариограммаси

жами 6261,5 га майдондан 167 гектар (2,7%) гумус билан жуда кам таъминланган, 3474,1 га (59,8%) кам, 2121,8 га (33,8%) ўртача ва 231,6 га (3,7%) кўпроқ таъминланганлиги аниқланди(2 расм).




2-расм. Тупроқларнинг гумус билан таъминланганлик даражасини акс эттирувчи рақамли агрохимёвий харитограмма

Харакатчан фосфор билан жами 3305,8 гектар (52,8%) жуда кам таъминланган, 2571,8 га (41,1%) кам, 383,9 га (6,1%) ўртача таъминланган гуруҳга мансубдир(3 расм).



3-расм. Тупроқларнинг ҳаракатчан фосфор билан таъминланганлик даражасини акс эттирувчи рақамли агрохимёвий харитограмма

Алмашинувчан калий билан эса 1921,0 га (30,7%) жуда кам таъминланган, 3423,3 га (54,7%) кам, 917,2 га (14,6%) ўртача таъминланган (4-расм).



4-расм. Тупроқларнинг алмашинувчан калий билан таъминланганлик даражасини акс эттирувчи рақамли агрохимёвий харитограмма

Яратилган рақамли агрохимёвий харитограммалар асосида «Мақпалқўл» массиви ва «Анвар - Тахта» фермер хўжаликлари майдонларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинларининг асосий турлари учун илмий асосланган мақбул ўғит меъёр ва муддатлари ишлаб чиқилди. Массив учун ўғит меъёрини белгилашда уйғунлаштирилган (мукаммаллашган) усулдан фойдаланилди. Бу усулда ҳудуд учун ишлаб чиқилган ҳаракатчан фосфор ($K_f=1,1088$) ва алмашинувчан калий ($K_k=1,0383$)нинг тузатиш коэффицентлари минерал ўғитларнинг меъёр ва муддатларини белгилашда хизмат қилди. Азотли ўғит меъёрини белгилашда эса Қорақалпоғистон Республикаси учун ишлаб чиқилган азот ($K_a=1,5817$) коэффицентидан фойдаланилди.

Унга кўра, ҳудуд қишлоқ хўжалиги асосий экин турлари учун минерал ўғитларнинг илмий асосланган талаби қуйидагича табақалаштирилди, яъни 761 га ғўза майдони учун 133,6 тонна азотли 66,1 тонна фосфорли ва 43,9 тонна калийли минерал ўғит қўллаш лозим. 1055,2 га ғалла майдони учун 148,4 тонна азотли, 73,0 тонна фосфорли ва 29,2 тонна калийли минерал ўғит қўллаш керак. Шу тарзда бошқа асосий қишлоқ хўжалиги экин турлари учун ҳам минерал ўғит меъёрлари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, тадқиқотлар давомида «Анвар – Тахта» фермер хўжалиги учун рақамли агрохимёвий харитограммалардаги кўрсаткичлардан тўғридан-тўғри (коэффицентларсиз), яъни тупроқ таркибидаги озика элементларининг миқдорларидан фойдаланиш орқали илмий асосланган ўғит меъёр ва муддатлари аниқланди.

Бунда ғўза учун азотли минерал ўғитларнинг йиллик меъёри 94,9 кг/га бўлиб, шундан экиш билан бирга 18,98 кг/га, 1-озиклантиришда 28,47 кг/га, 2-озиклантиришда 28,47 кг/га, 3-озиклантиришда 18,98 кг/га ғўзага қўллаш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди. Фосфорли минерал ўғитларнинг йиллик меъёри 60,03 кг/га, шундан 42,02 кг/га кузги шудгор остига, 9,0 кг/га

экиш билан бирга, 9,0 кг/га 3-озиклантиришда, калийда эса йиллик меъёр 41,12 кг/га, шундан 20,56 кг/га кузги шудгор остига, 20,56 кг/га 2-озиклантиришда қўлланилиши керак.

Ғаллада эса азотли минерал ўғитларнинг йиллик меъёри 52,6 кг/га ни ташкил этди. Шундан, 18,41 кг/га 1-озиклантиришда, 34,19 кг/га 2-озиклантиришда берилади. Фосфорли минерал ўғитларнинг жами йиллик меъёри 33,3 кг/га ва унинг хаммаси кузги шудгор остига берилади. Калийда ҳам йиллик ўғит меъёри 17,5 кг/га ни ташкил қилди ва унинг хаммаси кузги шудгор остига берилади.

Сабзавот экинларида азотли минерал ўғитларнинг йиллик меъёри 7,43 кг/га бўлиб, шундан, 2,23 кг/га кузги шудгор остига, 2,6 кг/га 1-озиклантиришда, 2,6 кг/га 2-озиклантиришда берилади. Фосфорли минерал ўғитларнинг йиллик меъёри 4,7 кг/га ни ташкил этиб, шундан кузги шудгор остига 3,52 кг/га, экиш билан бирга 1,8 кг/га, ғалладаги сингари калийли минерал ўғитларнинг 3,97 кг/га йиллик меъёрини кузги шудгор остига қўллаш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

Таянч массивида амалда қўлланилиб келинаётган минерал ўғитлар меъёрига нисбатан рақамли агрохимёвий харитограммалар асосида ишлаб чиқилган ўғитлар меъёрининг фарқи ва самарадорлиги солиштирилди. Натижада, таянч массивида азотли ўғитлар тупроқларнинг ва қишлоқ хўжалиги экинларининг талабига нисбатан кўпроқ қўлланилаётганлиги аниқланди. Фосфорли ўғитлар ғўза, бўғдой, шоли ва полиз экинлари етиштириладиган майдонлар талабига нисбатан бир қанча камроқ ҳамда кўпчилик қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда калийли минерал ўғитларга бўлган талабнинг деярли ярими қўлланилаётганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, сўнгги йилларда таянч массивининг полиз ва картошка экинлари етиштириладиган майдонларида калийли ўғитларнинг умуман қўлланилмаётганлиги, боғ ва тоқзорларда ҳам фосфорли, калийли минерал ўғитлар ишлатилмаслиги аниқланди.

Тадқиқотнинг умумий натижаси сифатида Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир тумани «Мақпалқўл» массиви учун «Тупроқ агрохимёвий текширув ахборот-таҳлил тизимини» дастурий таъминоти яратилди.

Ушбу «Тупроқ агрохимёвий текширув ахборот-таҳлил тизими» (АТАТТ) структураси, тайёргарлик ишларидан агрохимёвий мониторингача бўлган бир неча блокларни ўз ичига олади(5-расм).



5-расм. Тупроқ агрохимёвий текширув ахборот-таҳлилий тизимининг структураси

Дастурий таъминотнинг дала ишлари блокига тадқиқот ҳудуди, сана, элементар майдончалар координаталари тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Лаборатория ишлари блокида, аралаш тупроқ намуналарининг таҳлилий натижалари, градация бўйича рангларда акс этган ҳолда жойлашади (6-расм).


Статистик-таҳлиллар блоки лаборатория таҳлил натижаларини математик ҳисоблаш хусусиятига эга бўлиб, бу блок кейинги камерал тадқиқотлар блокига маълумотни юқори аниқликда етказиб беради.

Камерал тадқиқотларда асосан рақамли агрокимёвий ҳаритаграммалар яратилади ва озиқа элементлар миқдорига қараб майдонлар тақсимланади (7-расм).


Дастурий таъминотнинг ўғит меъёри ва муддатларини белгилаш блокида, экин турларига қараб ўғит меъёрлари автоматик ҳисобланади. Лекин, майдоннинг озиқа элементларига тегишли тузатиш коэффицентлари, азотга нисбати, кутилаётган ҳосил каби маълумотлар киритиб борилади.

«Тупроқ агрокимёвий текширув ахборот-таҳлил тизимини»нинг бошқа дастурий таъминотлардан фарқи энг охириги «Агрокимёвий мониторинг» блокидир(8-расм).


Ушбу блокда аввалги босқичларда киритилган ёки автоматик ҳисобланган маълумотлар йиллар кесимида сақланади, яъни, агрокимёвий тадқиқот натижаларининг маълум бир вақт давомида ўзгариши қайд қилиниб



6-расм. Лаборатория ишлари блокининг монитордаги ҳолати



7-расм. Камерал тадқиқотлар блокининг монитордаги ҳолати



8-расм. Агрокимёвий мониторинг блокининг монитордаги ҳолати

борилади. Бундан ташқари мазкур блокда йиллар орасидаги агрокимёвий кўрсаткичлар фарқини ҳисоблаш, яъни ўзгаришларнинг йўналишини ва даражасини кузатиш ҳамда тупроқларнинг агрокимёвий кўрсаткичлари бўйича башорат қилиш имкони мавжуд. Бу эса ўз навбатида тезкор агрокимёвий мониторинг қилиш имкониятини яратади.

Тупроқ агрокимёвий текширув ахборот-таҳлил тизимининг (АТАТТ) тузилиши, бир неча ўзаро боғланган блоклардан иборат. Унда дала тадқиқотларидан агрокимёвий мониторинг олиб боришгача бўлган турли босқичларни ўз ичига олади. Ушбу босқичлар натижасида бир турдаги маълумотлар иккинчи босқич маълумотларига айланиб, ўзаро боғлиқ якуний натижалар маълумотларига айланади. Тизим структурасида блоклар орасидаги маълумотларнинг кетма-кетлиги ва ўзаро чамбарчас боғлиқ. Ишлаб чиқилган тупроқ агрокимёвий текширув ахборот-таҳлил тизими (АТАТТ) самарадорлигини ҳисоблаш мақсадида, дастурий таъминот анъанавий усуллар билан қиёсий таққосланди. Натижада, тизим юқори самарадорликга эга эканлиги ва анъанавий услубларга нисбатан бир неча баробар мутахассис сарфлайдиган вақт ҳамда қўл меҳнати тежалиши исботланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Тахтақўпир тумани тупроқ қопламанинг морфологик кўрсаткичлари бевосита ҳудуднинг рельеф хусусиятлари, тупроқ ҳосил қилувчи жинслари, ўсимлик қоплами, иқлим шароитлари, ер ости сувлари сатҳининг жойлашиши, шўрланиш жараёни билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Ҳудуд тупроқларининг механик таркиби асосан ўрта қумоқли бўлиб, баъзан эса оғир, енгил қумоқли ва қумлоқли қатламлар ҳам учрайди. Тупроқларда физик лой миқдорининг ($<0,01$ мм) жуда кенг ораликда, яъни 15,3 ва 47,1 % атрофида тебраниб туриши ва механик заррачалар орасида, асосан, йирик чанг ва майда қум заррачаларининг устунлик қилиши кузатилади. Ҳудуд тупроқлари ўзига хос тузларнинг тарқалиш профилига, тузлар миқдори ва шўрланиш даражасига эгаллиги билан характерланади. Ҳудуд тупроқлари, асосан, хлорид-сульфатли ва сульфатли шўрланиш типига мансуб.

2. Ҳудуд тупроқларида гумус ва озика элементлари миқдорининг профил бўйлаб тақсимланиши тупроқнинг механик таркиби, шўрланиш хусусиятлари билан белгиланади. Ўрганилган тупроқларнинг ҳайдалма ва ҳайдов ости қатламларида гумус миқдори 0,60 – 1,19 % атрофида тебраниб, асосан ўртача ва кам таъминланган тупроқлар гуруҳларига киради. Ялпи азот миқдори юқори ҳайдалма қатламда 0,080 – 0,097 %, фосфор миқдори 0,141– 0,199 %, калий миқдори эса 1,30 – 1,93 % атрофида эканлиги маълум бўлди. Ўрганилган тупроқлар ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий миқдори бўйича асосан кам ва ўртача таъминланган гуруҳларга мансуб.

3. ГАТ технологиялари асосида яратилган агрокимёвий харитограммалар маълумотларига кўра, гумус билан «Анвар – Тахта» фермер хўжалигининг 68,3 га майдони кам, 22,7 га майдони ўртача таъминланган. Ҳаракатчан фосфор билан 48,3 га майдони кам, 42,7 га майдони ўртача таъминланган. Алмашинувчан калий билан эса жуда кам таъминланган ерлар

40,3 га, кам таъминланган майдонлар 50,7 га. «Сабир – Тахта» фермер хўжалигининг гумус билан жами 27,2 га майдони кам, 47,1 га майдони ўртача ва кўпроқ таъминланган. Ҳаракатчан фосфор билан 31,3 га майдони кам, 43 га майдони ўртача таъминланган. Алмашинувчи калий билан жуда кам таъминланган майдонлар 34 га, кам таъминланган майдонлар 36 га, ўртача таъминланган майдонлар 3,3 га эканлиги аниқланди. Шунингдек, тадқиқотлар давомида ArcGIS дастурига тегишли Empirical Bayesian kriging усулидан фойдаланиб тупроқ агрокимёвий хусусиятларининг тақсимоти вариограмма қилинган.

4. «Мақпалқўл» массиви бўйича яратилган агрокимёвий харитограммалар маълумотига кўра, массивнинг 167 га майдони ёки гумус билан жуда кам, 3474,1 га майдони ёки 59,8% кам, 2121,8 га майдони ёки 33,8% ўртача, 231,6 га майдони ёки 3,7% кўпроқ таъминланган майдонлар ташкил этади. Ҳаракатчан фосфор бўйича жуда кам таъминланган майдонлар 3305,8 га ёки 52,8 %, кам таъминланган майдонлар 2571,8 га ёки 41,1%, ўртача таъминланган майдонлар 383,9 га ёки 6,1 фоизни ташкил этади. Алмашинувчан калий билан жуда кам таъминланган майдонлар 1921,0 га ёки 30,7 %, кам таъминланган ерлар 3423,3 га ёки 54,7%, ўртача таъминланган майдонлар эса 917,2 га ёки 14,6 фоизни ташкил этади.

5. Яратилган рақамли агрокимёвий харитограммалар асосида массивдаги етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинлари учун фосфор ва калийнинг коэффициентлари ($P_{1,1088}$ ва $K_{1,0383}$) ишлаб чиқилган ва йиллик минерал ўғит меъёри белгиланган. Бунга кўра, массивда 761 га майдонда етиштириладиган ғўза учун 133,6 тонна азотли, 66,1 тонна фосфорли ва 43,9 тонна калийли минерал ўғитлар қўллаш лозимлиги аниқланган. 1055,2 га ғалла майдони учун 148,4 тонна азотли, 73,0 тонна фосфорли ва 29,2 тонна калийли минерал ўғит қўллаш кераклиги ҳисобланган. «Анвар – Тахта» фермер хўжалигида ғўза экиладиган 91 га майдони учун 8,636 тонна азотли, 5,463 тонна фосфорли, 3,830 тонна калийли минерал ўғит, 63,9 га ғалла майдони учун эса 4,786 тонна азотли, 2,901 тонна фосфорли ва 1,646 тонна калийли минерал ўғитлар қўлланиши кўрсатилган. Шу тарзда қишлоқ хўжалиги экинларининг бошқа турларига ҳам минерал ўғитларнинг йиллик меъёри ва муддатлари ишлаб чиқилган.

6. Тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари бўйича электрон маълумотлар базасини ўзида жамлаган «Тупроқ агрокимёвий текширув ахборот – таҳлил тизими» автоматлаштирилган дастурий таъминоти ҳудуд табиий шароитларининг кескинлашуви натижасида тупроқларнинг агрокимёвий кўрсаткичларида кечаётган салбий ўзгаришларни комплекс мониторинг қилиш имконини беради. Бу эса қишлоқ хўжалиги ва агрокимё соҳасини рақамлаштиришда самарали восита сифатида хизмат қилади.

7. Рақамли агрокимёвий харитограммалар туман фермер хўжаликларининг ихтисослашувини ва тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда тупроқларнинг барқарор унумдорлигини таъминлаш ва сақлашга йўналтирилган агрокимёвий тадбирларни белгилашда ҳамда мақбул ўғит меъёри ва муддатларини ҳисоблаб чиқишда тавсия этилади.

8. Ишлаб чиқилган «Тупроқ агрокимёвий текширув ахборот-таҳлил тизими» дастурий таъминоти самарали ва ресурстежамкор восита сифатида республикамизда рақамлашган агрокимё хизматини ташкил этиш асосида ўғитларни мақсадли қўллаш орқали майдонларнинг агрокимёвий ҳолатини баҳолашни такомиллаштириш, ўзгариш динамикасини башорат қилиш ва тупроқ унумдорлигини яхшилаш каби чора-тадбирларни амалга оширишда фойдаланиш тавсия этилади.

9. ГАТ технологиялари асосида тупроқларнинг агрокимёвий ҳолатини текшириш ва ахборот-таҳлилий тизимини ишлаб чиқиш мақсадида тўпланган оператив ва стационар маълумотлар олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида агрокимё, тупроқшунослик, мелиоратив тупроқшунослик, деҳқончилик, тупроқ муҳофазаси, экология, тупроқ кимёси ва тупроқларни хариталаш фанларидан ўқиладиган маърузаларда, шунингдек, давлат ер тузиш ва ер кадастри агентлигида, экология ва табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида, агрокимёвий хизмат кўрсатиш бўлимларида, қишлоқ хўжалик инспекциясида, туман фермерлар кенгаши уюшмаларида фойдаланиш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 25/30.12.2019.Qx/B.43.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И АГРОХИМИИ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ДАУЛЕТМУРАТОВ МУХАМЕДАЛИ МИРЗАМУРАТОВИЧ

**АГРОХИМИЧЕСКОЕ ОБСЛЕДОВАНИЕ ПОЧВ И РАЗРАБОТКА
ИНФОРМАЦИОННО – АНАЛИТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ С
ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ГИС ТЕХНОЛОГИЙ (НА ПРИМЕРЕ
ОРОШАЕМЫХ ПОЧВ ТАКТАКУПЫРСКОГО ТУМАНА
РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН)**

06.00.04 – «Агрохимия»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.3.PhD/Qx405

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Национальном университете Узбекистана и Ташкентском государственном аграрном университете. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по присуждению ученых степеней при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: (www.soil.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Гафурова Лазизахон Акрамовна
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Санакулов Акмал Лапасович
доктор сельскохозяйственных наук, доцент
Самаркандский государственный университет

Баходиров Зафар Абдувалиевич
доктор философии по биологическим наукам (PhD), старший научный сотрудник
Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии

Ведущая организация:

Каракалпакский государственный университет

Защита состоится «11» 11 2021 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: 100179, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо,3. Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии (НИИПА). Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz.

С данной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института почвоведения и агрохимии (зарегистрирован за №57 Адрес: 100179, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо, 3.Тел. (99871) 246-15-38

Автореферат диссертации разослан «25» 10 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 4 от 25 10 2021 г.)



Ш.М.Бобомуродов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., старший научный сотрудник

Ж.М.Кузиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.с.х.н., старший научный сотрудник

Н.Ю.Абдурахмонов
Председатель научного семинара по присуждению ученых степеней, д.б.н., старший научный сотрудник

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день, по расчетам Международной ассоциации удобрений (IFA) оценивает, что «мировое потребление минеральных удобрений будет расти медленными темпами каждый год, и общий объем потреблений в 2023-2024 годах составит 203,5 миллионов тонн, и почти 80 процентов которых приходится на долю Латинской Америки, Южной Азии, Африки и Восточной Европы»¹. Поэтому получение высокого и качественного урожая сельскохозяйственной продукции путем научно – обоснованного определения норм и сроков внесения минеральных удобрений, с использованием цифровых агрохимических карт является актуальной задачей.

В мире агрохимические информационно-аналитические системы разрабатываются путем ведения сезонно обновляемого точного учета сельскохозяйственных земель, определения агрохимического состояния почв, повышения их плодородия, формирования агрохимической базы данных в разрезе каждого контура поля за счет использования современных геоинформационных технологий. В этом плане уделяется особое внимание научным исследованиям, направленных на внесение удобрений на основе степени обеспеченности почв питательными элементами и потребности сельхозкультур в минеральных удобрениях, улучшение плодородия почв, а также получение высоких урожаев с сельскохозяйственных культур.

На сегодняшний день в республике проводятся и внедряются в практику широкомасштабные научные исследования по противодействию негативным последствиям, проявившимся из-за обострения природных условий в Приарале, в том числе: по внедрению новых технологий для улучшения агрохимического состояния орошаемых почв территории, сохранения плодородия почв и возделывания сельскохозяйственных культур. В Стратегии действий развития Республики Узбекистан в 2017 – 2021 годах определены важные задачи по «...оптимизация сельскохозяйственных угодий с целью рационального использования земельных ресурсов, внедрение в отрасль интенсивных методов, прежде всего современных водо-и ресурсосберегающих агротехнологий, организация современных систем использования минеральных и органических удобрений»². В связи с этим, составление цифровых агрохимических картограмм орошаемых почв республики с использованием современных ГИС технологий, мониторинг периодических изменений количества питательных веществ в почве, их выноса урожаем и различными культурами, а также дифференцированное применение минеральных удобрений в зависимости от агрохимического состояния почвы, вида сельскохозяйственных культур с разработкой оптимальных норм и сроков, и внедрение цифровых агрохимических услуг в сельском хозяйстве приобретает важное значение.

¹<https://review.uz>.

²Указ Президента Республики Узбекистана от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан от 5 октября 2020 года №УП – 6079 «Об утверждении Стратегии Цифровой Узбекистан – 2030 и мерах по ее эффективной реализации», в Постановлении от 24 октября 2016 года № ПП – 2640 «О мерах по совершенствованию системы защиты растений и агрохимического обслуживания сельского хозяйства», в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 июня 2019 года №510 «О мерах по совершенствованию системы агрохимического анализа почв в сельском хозяйстве, повышению плодородия почв посевных земель», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии приоритетного направления развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Научные исследования по наблюдению за изменениями агрохимических свойств почв с помощью геоинформационных технологий и определению влияния этих изменений на количество и качество урожая из зарубежных ученых проводились R.Vlekuell, E.Mate, A.Steven, L.Patrick, F.Rojers, D.Anxe, Huang и тоже другие. Широкомасштабные научные исследования по использованию геоинформационных технологий в регулированию плодородия почв в СНГ и некоторых регионах республики, установлению оптимальных норм и сроков внесения удобрений путем изучения количественного распределения элементов питания в растениях и почвах проводились такими учеными, как Т.П.Пирохунов, М.А.Белоусов, Д.С.Саттаров, И.Т.Турапов, Л.Т.Турсунов, Б.С.Мамбетназаров, Х.Т.Рискиева, Р.К.Кузиев, М.М.Ташкузиев, Ф.Х.Хошимов, Л.А.Гафурова, Н.М.Ибрагимов, Р.К.Курвонтоев, Б.И.Ниёзалиев, Х.Н.Каримов, А.Л.Санакулов, Б.К.Атоев, М.Э.Саидова, А.Ж.Боиров, А.У.Ахмедов, А.А.Каримбердиева, И.Ирназаров, К.А.Курбанбоев, Б.Б.Жоллыбеков, Д.А.Мамбеткаримов, В.Е.Сектименко, А.М.Разаков, С.С.Сиддиков, Г.Т.Джалилова Д.А.Кодирова, Л.А.Мирзаев, К.А.Косназаров, Ж.М.Кузиев, З.А.Баходиров, Ж.И.Исмаилов, Ж.У.Хайтбоева, В.И.Попов, Н.Г.Мязин, В.В.Лапа, В.В.Кидин, Н.Б.Корягина, Г.А.Демиденко, А.Ю.Бибаева, А.А.Макарова, Н.Г.Харин, О.Л.Серебрянная, Б.Н.Насиев, М.А.Габдулов, Г.Г.Вендило, Ф.А.Скрябин и тоже другие. Однако, исследований, по определению изменений агрохимических свойств орошаемых почв Тахтакупырского района с использованием современных геоинформационных технологий не проведены в достаточной мере.

